



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 16 » июнь

№ ПК–227

### Солиқ соҳасида малакали кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Солиқ соҳасида замонавий талаблар даражасида профессионал фаолият юрита оладиган, сунъий интеллект ҳамда рақамли технологияларни самарали қўллайдиган юқори билимга эга бўлган малакали кадрлар ва салоҳиятли раҳбар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, солиққа оид илмий-тадқиқот фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда аҳолининг солиқ маданиятини юксалтириш ва тизимли тарғибот ишларини йўлга қўйиш мақсадида **қарор қиламан:**

#### I. Асосий мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган **асосий мақсадлар** этиб белгилансин:

- (а) солиқ соҳасида **таълим, илм-фан** ва **амалиёт** интеграциясини таъминловчи **узлуксиз занжирни яратиш** орқали юқори малакали кадрлар тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш;
- (б) халқаро тажриба ва замонавий таълим стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда солиқ соҳасида **касбий компетенцияни ривожлантириш**;
- (в) солиқ соҳасини **фундаментал, амалий** ва **инновацион илмий** тадқиқотларни амалга ошириш орқали такомиллаштириш;
- (г) 2030 йилга қадар Солиқ қўмитасининг олий таълим муассасасидаги педагог кадрлар **илмий салоҳиятини 60 фоизга** етказиш;
- (д) солиқ органлари учун ҳар йили камида **50 нафар сунъий интеллект** ҳамда **илғор ахборот-коммуникация технологиялари** ва автоматлаштирилган таҳлил услублари билан ишлаш кўникмасига эга бўлган **мутахассислар тайёрлаш** тизимини йўлга қўйиш.

- II. Солиқ таълимини ривожлантириш ва солиқ тизимида кадрлар тайёрлашнинг янгича моделини жорий этиш**
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 19 майдаги “Солиқ органлари фаолиятини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигида замонавий ёндашувларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–95-сон Фармониغا асосан:
- (а) Солиқ қўмитаси ҳузурида Солиқ олий мактаби (кейинги ўринларда – Олий мактаб);
  - (б) Олий мактаб таркибида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Малака ошириш ва компетенцияларни ривожлантириш маркази ҳамда Солиққа оид тадқиқотлар маркази ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
3. Белгилаб қўйилсинки:
- (а) Олий мактаб Солиқ қўмитаси ҳузуридаги алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлган, солиқ органлари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, солиқ соҳасида фундаментал ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар олиб борувчи республиканинг **базавий илмий-методик маркази** ва **таянч давлат олий таълим муассасаси** ҳисобланади;
  - (б) Олий мактабга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган **академик, молиявий ва ташкилий** мустақилликка оид тартиб-таомиллар татбиқ этилади;
  - (в) Олий мактабда:
    - (i) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб ўқиш давомийлиги **камида уч йил** бўлган **бакалавриат** таълим йўналишларига талабгорлар ўқишга қабул қилинади;
    - (ii) 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб **магистратура** ва олий таълимдан кейинги таълим босқичи жорий этилади;
  - (г) Олий мактабда **солиқлар ва солиққа тортиш, рақамли солиқ маъмурчилиги, солиқ ҳуқуқи** ва **молиявий назорат** каби йўналишларда кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилади;
  - (д) Олий мактаб битирувчиларига давлат намунасидаги диплом билан бирга **солиқ маслаҳатчиси** ва **аудитор** малака сертификатини олиш учун ўқув курсларини ўтаганлиги тўғрисидаги ҳужжат берилади;

- (ж) бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги халқаро ташкилотларнинг сертификатларини (**ACCA, DipIFR, CAP/CIPA, CIA, ACA**) олган Олий мактаб талабаларига ушбу сертификатларни олиш бўйича **ўқиш харажатлари** Олий мактаб томонидан қопланади.
4. Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (А. Арипов) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб:
- (а) ҳар йили давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларига қўшимча равишда Олий мактаб учун давлат гранти бўйича 50 та, лекин умумий қабул квотасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда қабул квоталарини ажратиб борсин;
- (б) солиқлар ва солиққа тортиш йўналиши бўйича давлат буюртмасининг устувор равишда Олий мактабга ажратилишини таъминласин.
5. Қуйидагилар:
- (а) Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ олий мактабининг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари **1-иловага** мувофиқ;
- (б) Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ олий мактаби Солиққа оид тадқиқотлар марказининг асосий вазифалари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.
6. Белгилансинки, Солиққа оид тадқиқотлар марказида:
- (а) сунъий интеллект йўналиши бўйича **рақамли солиқ маъмурчилиги инновацион лабораторияси** ташкил этилади;
- (б) солиқ сиёсати ва маъмурчилигини такомиллаштириш ҳамда хуфёна иқтисодиётни қисқартириш юзасидан ахборот-таҳлилий ва илмий тадқиқотлар амалга оширилади;
- (в) солиқ соҳасида илғор халқаро тажриба, замонавий ютуқлар ва амалиётдан фойдаланиш асосида ташаббуслар тайёрланади;
- (г) солиқ соҳасидаги илмий изланишларни умумий мувофиқлаштириш, солиқ ислохотларининг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш ҳамда **“ақл марказлари”** билан ҳамкорлик йўлга қўйилади.
7. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги 2027 йилдан бошлаб Олий мактабга солиқ соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадида аккредитациядан ўтган ихтисосликлар бўйича **таянч докторантура** ва **докторантурага** қабул квоталари ажратилишини назарда тутсин.

8. Солиқ органларида хизматни ўташ тартибига қўйидагиларни назарда тутувчи **ўзлуксиз ўқув тизими** жорий этилсин:
- (а) **2026 йил 1 августдан** бошлаб Олий мактабда солиқ органлари ходимларининг **ўч йилда камида бир марта малака ошириш** тизимини йўлга қўйиш;
  - (б) солиқ органларига **биринчи марта ишга қабул қилинган** (бундан Олий мактаб битирувчилари мустасно) мансабдор шахсларни солиқ қонунчилиги ва маъмурчилиги, шунингдек, иш юритишни ташкил этиш асослари бўйича давомийлиги **ўч ойгача** бўлган **махсус мослашишга кўмаклашиш** (onboarding) ўқув курсида ўқитиш;
  - (в) солиқ органларининг тегишли тузилма раҳбарлигига, шунингдек, солиқ инспекцияси ва солиқ бошқармаси бошлиғи лавозимларига **захирага олинган ходимларни** камида **икки ҳафта** муддатда малака ошириш курсларида ўқитиш;
  - (г) солиқ органлари ходимларини бир таркибий тузилмадан бошқасига ротация қилиш ёки ўтказишда уларни ишдан ажралмаган ҳолда **бир ҳафталик** қисқа муддатли малака ошириш курсларида қайта тайёрлаш.
9. Солиқ соҳасида таълим ва тарғибот ишларини ривожлантириш ҳамда аҳолининг солиқ маданиятини юксалтириш мақсадида Жамиятда солиқ таълими ва тарғиботини ривожлантириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда – Республика кенгаши) **3-иловага** мувофиқ таркибда ташкил этилсин ҳамда унинг асосий вазифалари **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.
10. Республика кенгаши (А. Арипов) **ҳар олти ойда** камида бир марта солиқ таълими ва тарғиботини ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишларни муҳокама қилиб, келгусидаги вазифаларни белгилаб борсин.
11. Солиқ қўмитаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:
- (а) **икки ой муддатда** ҳар бир ҳудудда камида биттадан солиқ соҳасида кенгайтирилган таълим бериладиган мактаблар рўйхатини шакллантирсин ва тасдиқласин;

- (б)** солиқ маданияти ва молиявий саводхонликни ёшлиқдан шакллантириш мақсадида мазкур банднинг “а” кичик бандига мувофиқ тасдиқланган мактабларга ҳудудий солиқ органларини бириктирган ҳолда **ҳар ойда** дарсдан ташқари вақтларда **тўғарак** ва **ўқув машғулотларини** ташкил қилиб борсин.
- 12.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Солиқ қўмитаси ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ушбу қарорнинг 11-бандига мувофиқ тасдиқланган мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ўқувчиларнинг касбий мотивациясини ошириш чораларини кўрсин.
- 13.** Солиқ қўмитаси, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:
- (а)** мактаб, ўрта махсус ва касбий таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ҳар йили **“Солиқ билимдонлари”** кўрик-танловларини ўтказиш;
- (б)** “Солиқ билимдонлари” кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини уларнинг ихтиёрига кўра Олий мактабга имтиёзли йўлланма асосида ўқишга қабул қилиш.
- 14.** Солиқ соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг янги тизимини жорий этиш бўйича **“Йўл харитаси” 5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

### **III. Молиявий ресурслар**

- 15.** Қуйидагилар Олий мактаб ва унинг ҳузуридаги муассасалар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:
- (а)** Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;
- (б)** хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;
- (в)** Солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси (кейинги ўринларда – Махсус жамғарма) маблағлари;
- (г)** ҳомийлик хайриялари ва грантлар;
- (д)** халқаро молия институтлари, халқаро ва хорижий ташкилотлар маблағлари;
- (ж)** қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

**16. Белгилансинки:**

- (а) Олий мактаб фаолиятини молиялаштириш 2026 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Солиқ қўмитасига ажратиладиган маблағлар ва Махсус жамғарма маблағлари, 2027 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилади;
- (б) солиқ органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш харажатлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**17. Белгилаб қўйилсинки:**

- (а) Олий мактаб ректори, проректорлари, факультет деканлари, декан ўринбосарлари ва профессор-ўқитувчилари лавозим маошлари – олий таълим муассасаларининг, ўқув жараёни билан боғлиқ бўлим бошлиқлари лавозим маошлари – кафедра мудирлари, илмий ходимларининг лавозим маошлари эса илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорида белгиланади;
- (б) Олий мактаб бошқарув (бундан ўқув жараёни билан боғлиқ бўлим бошлиқлари мустасно), техник, хизмат кўрсатувчи, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимларининг лавозим маошлари Солиқ қўмитаси марказий аппаратининг тегишли лавозимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларида белгиланади;
- (в) Олий мактабнинг раҳбар, бошқарув ходимлари ва профессор-ўқитувчилари таркибига Солиқ қўмитаси марказий аппарати ходимларининг тегишли тоифалари учун хизматни ўташ ва мукофотларни тўлаш тартиблари татбиқ этилади;
- (г) Олий мактаб ва унинг ҳузуридаги муассасаларнинг фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлган ходимларига ҳар ойда лавозим маошининг **ўттиз фоизи миқдорида**, фан доктори (DSc) илмий даражасига эга ходимларига лавозим маошининг **олтмиш фоизи миқдорида** устамалар белгиланади.

- 18. Олий мактаб ва унинг ҳузуридаги муассасаларнинг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ишлари бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси” давлат муассасаси ҳамда жиҳозлаш ишлари бўйича Олий мактаб буюртмачи этиб белгилансин.**

**19.** Солиқ қўмитаси Махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан Олий мактаб ва унинг ҳузуридаги муассасаларни зарур компьютер ва техник воситалар билан жиҳозлашни, уларнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилишни, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишни таъминласин.

#### **IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

**20.** Солиқ қўмитаси **икки ой муддатда:**

**(а)** Олий мактаб фаолиятини самарали йўлга қўйиш, бино ва иншоотларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, моддий-техника базасини шакллантириш ва бошқа ташкилий масалалар бўйича таклифларни;

**(б)** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**21.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Солиқ қўмитаси раиси Ф.Ж. Пулатов белгилансин.

**22.** Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

**Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ олий мактабининг  
асосий вазифа ва фаолият йўналишлари**

1. Солиқ соҳаси учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, олий таълимдан кейинги таълим босқичида юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар салоҳиятини ривожлантириш.
2. Таълим жараёнини илғор хорижий тажриба ва замонавий таълим технологиялари асосида ташкил этиш, назария ва амалиёт узвийлигини таъминлаш.
3. Кадрлар тайёрлаш борасида хорижий давлатларнинг солиқ органлари ва ўқув муассасалари билан тажриба алмашиш ҳамда ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб қилиш.
4. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг замонавий услублари, маълумотларни таҳлил қилиш технологиялари ҳамда солиқ маъмурчилигида илғор ахборот тизимларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлаш.
5. Солиқ органлари учун илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган таҳлил услублари билан ишлаш кўникмасига эга бўлган мутахассислар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш.
6. Солиқ идораларига биринчи марта ишга қабул қилинган, раҳбарлик лавозимларига захирага олинган ҳамда бир таркибий тузилмадан бошқасига ротация қилинаётган ёки ўтказилаётган шахсларни солиқ қонунчилиги ва маъмурчилиги, шунингдек, иш юритишни ташкил этиш асослари бўйича махсус мослашишга кўмаклашиш ўқув курсларида ўқитиш.
7. Ўқув дастурларига Python, SQL ва Business Intelligence (BI) технологиялари воситасида катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилишга йўналтирилган чуқурлаштирилган махсус модулларни татбиқ этиш.
8. Талабалар учун солиқ органларида ҳар йили камида бир ойлик мажбурий малакавий амалиёт тизимини йўлга қўйиш, тажрибали ходимларни “устоз-шогирд” анъанаси асосида таълим жараёнига тизимли жалб этиш.
9. Таълим жараёнини миллий, минтақавий ва глобал интеграция тамойиллари асосида ташкил этиш, турли давлатларнинг солиқ тизимларини чуқур ўрганиш, шунингдек, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув жараёнларини кенг жорий этиш.
10. “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида солиқ хизмати тизимини ривожлантириш ва солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.

**Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ олий мактаби Солиққа оид  
тадқиқотлар марказининг асосий вазифалари**

1. Солиқ сиёсати ва маъмурчилигини илмий-таҳлилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соҳани такомиллаштириш ҳамда иқтисодиётдаги хуфёна айланмаларни қисқартириш бўйича илмий асосланган таклиф ва услубий ишланмалар ишлаб чиқиш.
2. Солиқ қонунчилигини амалда қўллаш жараёнидаги бўшлиқ ва қарама-қаршиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар тайёрлаш.
3. Илғор хорижий давлатларнинг солиқ соҳасидаги қонунчилиги ва амалиётини ўрганиш асосида миллий солиқ тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.
4. Солиққа тортиш ва молиявий назорат соҳаларида тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижалари асосида солиқ органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган инновацион ишланма ва лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш.
5. Солиқ соҳасидаги илмий изланишларни мувофиқлаштириш, амалга оширилаётган солиқ ислоҳотларининг иқтисодиётга таъсирини комплекс баҳолаш ҳамда маҳаллий ва хорижий “ақл марказлари” (think tanks) билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш.
6. Сунъий интеллект технологиялари асосида “рақамли солиқ маъмуриятчилиги” инновацион лабораториясини ташкил этиш ҳамда хизмат кўрсатиш ва солиқ назоратида юқори технологик жараёнларни қўллаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.
7. Солиқ соҳасидаги илмий лойиҳаларни амалга оширишда республиканинг етакчи илмий ва таълим муассасалари билан интеграцияни таъминлаш, қўшма тадқиқотлар ўтказиш ва илмий ишланмалар базасини шакллантириш.
8. Халқаро солиққа тортишнинг долзарб масалалари, шу жумладан, трансфер нархларни белгилашда солиқ назорати ва рақамли иқтисодиёт субъектларини солиққа тортиш бўйича миллий услубиёт ва регламентларни ишлаб чиқиш.
9. Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг боришига оид таҳлилий материаллар ва илмий мақолаларни чоп этадиган журнал ҳамда илмий тўпламлар тайёрлаш.

- 10.** Иқтисодиёт тармоқлари кесимида ресурслар сарфи, ишлаб чиқариш ҳажми, молиявий натижалар ва солиқ кўрсаткичларини ўзаро таҳлил қилиш учун аналитик инструментларни ишлаб чиқиш.
- 11.** Солиқ хавфларини баҳолаш ва яширин иқтисодиёт ҳолатларини аниқлашнинг илмий асосланган усуллари ва индикаторларини ишлаб чиқиш, уларни солиқ органлари амалиётига жорий этиш ҳамда методик қўллаб-қувватлаш.
- 12.** Солиқ сиёсатининг иқтисодиётга таъсирини комплекс баҳолаш, солиқларни ундириш харажатларини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш ва имтиёзларнинг бюджет тушумларига таъсирини эконометрик моделлаштириш.
- 13.** Ўз ваколатлари доирасида халқаро тузилма ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишда иштирок этиш.

**Жамиятда солиқ таълими ва тарғиботини ривожлантириш  
бўйича республика кенгаши  
ТАРКИБИ**

1. А.Н. Арипов — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, *Кенгаш раиси*
2. Ф.Ж. Пулатов — Солиқ қўмитаси раиси, *Кенгаш раиси ўринбосари*
3. Э.Ф. Гадоев — Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси (*келишув асосида*)
4. Ш.Х. Назаров — Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси (*келишув асосида*)
5. К.А. Шарипов — олий таълим, фан ва инновациялар вазири
6. Э.Г. Каримова — мактабгача ва мактаб таълими вазири
7. А.Ю. Мавлонов — Божхона қўмитаси раиси
8. А.Я. Хайдаров — иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари
9. Д.А. Вахабов — Савдо-саноат палатаси раиси
10. Н.Ф. Каримов — Ўзбекистон аудиторлар палатаси кенгаши раиси
11. М.М. Тулаходжаева — Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси кенгаши раиси
12. Б.С. Набижонов — Ўзбекистон солиқ маслаҳатчилари палатаси бошқаруви раиси
13. М.М. Перпер — Ўзбекистон сертифициланган молия мутахассислари уюшмаси (ACFP) раиси
14. А.З. Саъдуллаев — Ёшлар ишлари агентлиги директори
15. Лавозимига кўра — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари
16. Лавозимига кўра — Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ олий мактаби ректори, *Кенгаш котиби*

**Изоҳ.** *Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, Кенгаш таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган шахслар ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

*Кенгаш раисига Кенгаш фаолиятининг тезкорлиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида унинг таркибига ўзгартириш ва янги аъзоларни киритиш ваколати берилади.*

**Жамиятда солиқ таълими ва тарғиботини ривожлантириш  
бўйича республика кенгашининг асосий вазифалари**

1. Солиқ таълими ва тарғиботи соҳасида устувор йўналишларни ишлаб чиқиш ва шу асосда белгиланган вазифаларни амалга оширишни мувофиқлаштириш.
2. Солиқ таълими ва тарғиботи соҳасида давлат органлари, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва жамоат ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш.
3. Солиқ органларининг тажрибали ходимлари, сертификатланган солиқ маслаҳатчилари ва соҳа мутахассисларидан иборат **“миллий маърузачилар реестри”**ни шакллантириш ва тасдиқлаш.
4. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бажаришни рағбатлантирувчи иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш.
5. Ҳар йили август ойининг биринчи ўн кунлигида республикада **“солиқ ҳафталиги”** тарғибот тадбирини ташкил этиш орқали солиқлар бўйича аҳоли хабардорлигини ошириш, солиқларнинг иқтисодий ва ижтимоий моҳиятини тушунтириш ва **“Мен тўлаган солиқ – менинг келажагим”** ғоясини сингдириш.
6. Солиқ соҳасига оид ўқув адабиётларини янгилаш, ўқувчиларнинг ёш тоифасидан келиб чиқиб, соддалаштирилган ва қизиқарли (интерактив) ўқув қўлланмалари ҳамда медиа-материаллар ишлаб чиқишни ташкил этиш.
7. Солиқ соҳасида рақамли таълим ва сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳамда ахборот платформаларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш.
8. Умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида **“солиқ саводхонлиги”** дарсларини ҳамда ўқувчилар ва олий таълим муассасалари талабалари ўртасида тегишли тартибда **“Солиқ билимдонлари”** ва **“Зукко талаба”** каби кўрик-танловларини ўтказиш орқали солиқ тарғиботини кенг йўлга қўйиш.
9. Солиқ тарихини ўргатиш ва солиқ тўлаш маданиятини ёшлиқдан сингдириш мақсадида Солиқ олий мактабида **“Солиқ музейи”**ни ва туман (шаҳар)ларда камида 1 тадан ўрта таълим мактабларида жиҳозланган **“солиқ синфи”**ни ташкил этиш.
10. Солиқ маданиятини оширишга қаратилган ташаббуслар, илмий тадқиқотлар ва ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни белгилаш.

- 11. Меҳнат жамоалари ва жамоат масканларида “Тўланган солиқ – фаровонлик асоси”, “Солиқ – давлат таянчи”** каби мавзуларда очиқ мулоқотлар, семинар ва тренинглар ташкил этиш ҳамда солиқ тушумларининг аниқ ижтимоий лойиҳаларга йўналтирилишини оддий ва халқчил тилда тушунтириш.
- 12. “Маҳалла еттилиги”** орқали солиқлар моҳиятини, имтиёз ва преференциялар имкониятларини тушунтириш, фаолиятни легаллаштириш ҳамда солиқ тўлашни аҳоли фаровонлиги, маҳалла ва юрт ободлигига йўналтирилган ижтимоий масъулият сифатида кенг тарғиб қилиш.

**Солиқ соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг янги тизимини жорий этиш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
<b>I. Солиқ олий мактаби фаолиятини ташкил этиш</b>						
1.	Солиқ олий мактабини (кейинги ўринларда — Олий мактаб) давлат рўйхатидан ўтказиш ва унинг тузилмасини тасдиқлаш.	Олий мактаб уставини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, штат жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Амалий чора-тадбирлар	Бир ой муддатда	–	Солиқ қўмитаси, Солиқ олий мактаби
2.	Олий мактабнинг Кузатув кенгаши таркибини тасдиқлаш.	Олий мактаб Кузатув кенгаши таркибини шакллантириш, тасдиқлаш ҳамда унинг бошқарув ва назорат бўйича ваколатларини белгилаш.	Муассисларнинг умумий йиғилиши қарори	Икки ой муддатда	–	Солиқ қўмитаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Солиқ олий мактаби
3.	Олий мактаб ва унинг таркибий тузилмаларини илмий салоҳият ва амалий тажрибага эга педагог кадрлар билан тўлдириш.	Олий мактабга иқтисодиёт тармоқларида, жумладан, солиқ соҳасида катта илмий-амалий тажрибага эга малакали мутахассислар, шунингдек, ўқитишнинг замонавий шакллари ва усулларини қўллай оладиган ходимларни ишга қабул қилиш ва меҳнат шартномаларини белгиланган тартибда расмийлаштириш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил 1 август	–	Солиқ қўмитаси, Солиқ олий мактаби

4.	Олий мактабда ходимлар ва профессор-ўқитувчилар таркибини моддий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш.	Олий мактабнинг бошқарув, илмий ва профессор-ўқитувчилари таркиби, шунингдек, ўқув-ёрдамчи ходимларига уларнинг иш натижаларига мувофиқ ҳар ойлик шахсий устамаларни ўрнатишнинг тартиби ва мезонларини белгилаш.	Ички идоравий ҳужжат	Икки ой муддатда	–	Солиқ қўмитаси, Солиқ олий мактаби
5.	Олий мактаб битирувчиларини солиқ органларига ишга йўналтириш ва жойлаштириш тизимини жорий этиш.	1. Олий мактаб битирувчиларини солиқ органларига ишга йўналтириш ва жойлаштириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш. 2. Олий мактаб битирувчиларини солиқ органларига ишга йўналтириш ва жойлаштириш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш.	Ички идоравий ҳужжат	2026 йил декабрь	–	Солиқ қўмитаси, Бошқарув самарадорлиги агентлиги
<b>II. Ўқув-услубий фаолиятни ташкил этиш</b>						
6.	Солиқ соҳасида мутахассисларни тайёрлаш жараёнларини ташкил этиш.	1. Солиқ соҳасида таълим йўналишларини (мутахассисликларни) белгилаш. 2. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб ташкил этиладиган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича қабул параметрларини шакллантириш. 3. Таълим стандартлари, давлат таълим талаблари, малака талабларини инобатга олган ҳолда халқаро рейтингларда топ-300 таликка кирган олий таълим ташкилотларининг тажрибалари асосида ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2026 йил июнь  2027 йил август	–	Солиқ қўмитаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Солиқ олий мактаби
7.	Ўқув жараёнини рақамлаштириш.	1. Олий мактабда масофавий таълимни ташкил этиш учун тармоқ ва сервер қурилмалари, тегишли зарурий қисмлар ва ускуналар, қурилмалар ва дастурий маҳсулотларни харид қилиш ва ўрнатиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2027 йил январь	Давлат бюджети ва Солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари	Солиқ қўмитаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги,

		<p>2. Олий мактаб ходимлари ва ўқув аудиторияларини замонавий компьютер, интерфаол панеллар, видео-конференцалоқа жиҳозлари, дастурий таъминотлар, офис техникалари билан таъминлаш.</p> <p>3. Олий мактабни керакли алоқа, шу жумладан, ҳукумат алоқаси билан, унинг интернет тармоғига кенг полосали кириш билан таъминлаш.</p> <p>4. “Электрон таълим” миллий тармоғига уланишини таъминлаш.</p>			жамғармалари маблағлари	Рақамли технологиялар вазирлиги, Солиқ олий мактаби
8.	Таълимнинг солиқ маъмурчилиги амалиёти билан узвий боғлиқлигини таъминлаш.	<p>1. Солиқ тизимидаги дастурий маҳсулотлар ва автоматлаштирилган ахборот тизимларининг ўқув-тренажёр версияларини яратиш ва Олий мактаб серверларига ўрнатиш.</p> <p>2. Рақамли солиқ маъмуриятчилиги киберлабораториясини ташкил этиш, ўқув жараёнида шакллантиришга мўлжалланган “савдо нуқтаси”, “хизмат кўрсатиш объекти”, “ишлаб чиқариш корхонаси” каби вазиятли-имитацион ва виртуал полигонларни ташкил этиш.</p>	Ички идоравий ҳужжат	2026 йил 1 август	Солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари	Солиқ қўмитаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Солиқ олий мактаби
9.	Фанларнинг ўқув-услубий таъминотини таъминлаш.	Ўқув режаларига киритилган фанлар бўйича янги авлод дарсликлари, ўқув ва ўқув-амалий қўлланмаларни тайёрлаш.	Комплекс чора-тадбирлар	2027 йил май	Давлат бюджети ва Солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари	Солиқ олий мактаби, Солиқ қўмитаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

10.	Таълим дастурларига халқаро ташкилотларнинг малака сертификатлари бўйича касбий кўникмаларини киритиш.	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги халқаро ташкилотларнинг малака сертификатлари бўйича махсус билимларни ўзлаштиришга доир фанларни жорий этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2027 йил август	–	Солиқ қўмитаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
11.	Олий мактабнинг Ахборот-ресурс маркази фондиди шакллантириш ва электрон ахборот-кутубхона фондларидан фойдаланиш имкониятини яратиш.	1. Ахборот-ресурс маркази фондиди замонавий ўқув, илмий ва бошқа адабиётлар билан тўлдириш ва бойитиб бориш. 2. Ахборот-ресурс марказини А.Навоий номидаги Миллий кутубхонанинг электрон ахборот-кутубхона фонди (natlib.uz)га ва ягона электрон кутубхона тизими (unilibrary.uz)га бепул асосда улаш. 3. Соҳага оид хорижий олий таълим ташкилотларининг кутубхона фондига онлайн аъзо бўлиш ва уларнинг рақамли ресурсларидан масофавий фойдаланиш имкониятини яратиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2027 йил январь	Давлат бюджети ва Солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари	Солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Солиқ олий мактаби
<b>III. Сифатли илмий-тадқиқот фаолияти ва халқаро ҳамкорлик учун шарт-шароитлар яратиш</b>						
12.	Олий мактабнинг Солиққа оид тадқиқотлар маркази фаолиятини ташкил этиш.	1. Солиққа оид тадқиқотлар маркази фаолиятини белгиланган вазибалар асосида йўлга қўйиш. 2. Тадқиқот марказини илмий ва амалий тажрибага эга бўлган етук олим ва мутахассислар билан жамлаш. 3. Фаолиятни амалга ошириш учун зарур жиҳозлар ва бошқа моддий-техника воситалари билан таъминлаш.	Комплекс чора-тадбирлар	2026 йил 1 октябрь	–	Солиқ қўмитаси, Солиқ олий мактаби
13.	Олий мактабнинг илмий-амалий журналин таъсис этиш.	1. Талабалар, мустақил изланувчилар ва амалиёт ходимлари учун илмий-амалий журнал таъсис этиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2027 йил январь	–	Солиқ қўмитаси, Солиқ олий мактаби,

		<p>2. Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган рўйхатга киритиш орқали журнални мунтазам равишда нашр этишни ташкиллаштириш.</p> <p>3. Журналнинг халқаро миқёсдаги мавқеини кўтариш мақсадида уни етакчи илмий базалар (РИНЦ, DOI, Web of Science Scopus)га босқичма-босқич киритиш, шунингдек, журналнинг алоҳида сонларини хорижий давлатларнинг нуфузли журналлари билан ҳамкорликда нашр этиш.</p>		<p>2027 йил январь</p> <p>2027 йил июнь</p>		Олий аттестация комиссияси
14.	Олий мактабда халқаро ҳамкорликнинг самарали тизимини яратиш.	<p>Олий мактабда қуйидагиларни назарда тутувчи халқаро ҳамкорликнинг самарали тизимини яратиш:</p> <p>ходимлар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг етакчи хорижий олий таълим муассасаларида малака ошириши ва стажировка ўташини, халқаро (хорижий) илмий-амалий тадбирларда иштирок этишини мунтазам ташкил этиш;</p> <p>ўқув жараёнига юқори малакали хорижий мутахассисларни кенг жалб қилиш;</p> <p>таълим дастурларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш ва талабалар алмашинувини ташкил этиш;</p> <p>етакчи хорижий, шу жумладан, халқаро тан олинган рейтингларда биринчи 300 талик рўйхатга кирган олий таълим, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандумлар ва келишувларни тайёрлаш ва имзолаш.</p>	Комплекс чора-тадбирлар	2026 йил декабрь	–	Солиқ қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Солиқ олий мактаби

15.	Олий мактабнинг иқтидорли талабаларида илмий-таҳлилий салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантириш.	Олий мактабнинг кафедралари ихтисослашувидан келиб чиқиб, илмий мактаб ва тўгаракларни, шунингдек, “Ёш солиқчилар клуби”ни ташкил этиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2026 йил ноябрь	–	Солиқ олий мактаби
16.	Илмий даражали кадрлар тайёрлаш учун стажёр-тадқиқотчилик ва олий таълимдан кейинги таълим институтлари ҳамда фан доктори (PhD, DSc) илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ташкил этиш.	1. Олий мактабнинг устувор илмий-тадқиқот йўналишларини аниқлаш. 2. Илмий даражали кадрлар тайёрлаш учун стажёр-тадқиқотчилик ва олий таълимдан кейинги таълим институтлари фаолиятини ташкил этиш. 3. Илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар фаолиятини йўлга қўйиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2026 йил 1 ноябрь  2027 йил 1 март  2027 йил 1 май	–	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Олий аттестация комиссияси, Солиқ қўмитаси, Солиқ олий мактаби
<b>IV. Олий мактабнинг моддий-техника базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш</b>						
17.	Олий мактабга ўз фаолиятини бошлаши учун моддий-техник воситаларни ажратиш.	Тошкент шаҳар, Кичик ҳалқа йўли 3 ва За-уй манзилларидаги бино ва иншоотларни моддий-техник воситалари билан бирга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Олий мактаб балансига бепул ўтказиб бериш.	Комплекс чора-тадбирлар	Бир ой муддатда	–	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Солиқ олий мактаби
18.	Олий мактабнинг моддий-техника базасини шакллантириш.	1. Олий мактабнинг моддий-техника базасини шакллантириш ва харидларни амалга ошириш. 2. Бунда қуйидагиларни назарда тутиш: ўқув жараёнини рақамлаштириш учун зарур техник параметрларга эга бўлган серверлар харид қилиш ва ўрнатиш; масофавий (электрон) таълимни ташкил этиш ва видеоконференцалоқалар ўтказиш учун ускуналарни харид қилиш ва ўрнатиш;	Комплекс чора-тадбирлар	Икки ой муддатда  Режа асосида	Давлат бюджети ва Солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари	Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

		<p>ўқув жараёнини рақамлаштириш ва масофавий таълимни жорий қилиш учун тегишли дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ёки харид қилиш;</p> <p>Ахборот-ресурс марказини замонавий техника, зарур жиҳозлар ва қўшимча воситалар билан жиҳозлаш,</p> <p>Интернет тармоғига уланиш;</p> <p>Олий мактабнинг расмий веб-сайти ва саҳифасини яратиш;</p> <p>хизмат автотранспорт воситалари билан таъминлаш.</p>				
19.	Олий мактабга ажратилган бино ва иншоотларни қуриш ва таъмирлаш.	<p>1. Бино ва иншоотларни таъмирлаш, зарур янги бинолар қуриш, жиҳозлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Белгиланган тартибда тегишли бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, таъмирлаш, янги бинолар қуриш, жиҳозлаш, зарур мебель жамланмаси, компьютер техникалари билан таъминлаш чораларини кўриш</p>	Лойиҳа-смета ҳужжатлари	Икки ой муддатда	Давлат бюджети ва Солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари	Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
<b>V. Ёшлар ўртасида молиявий саводхонлик ва солиқ маданиятини ошириш</b>						
20.	Солиқларни тарғиб қилишга қаратилган кўрик-танловларни ўтказиш.	<p>1. “Солиқ билимдонлари”, “Зукко талаба” кўрик-танловлари низомларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Тасдиқланган низомлар асосида кўрик-танловларни иштирокчилар тоифаларига кўра (мактаб ўқувчилари, ўрта махсус ва касбий таълим муассасалари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари) алоҳида тартибда ташкил этиш ва ўтказиш.</p>	Идоравий ҳужжат	2027/2028 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич	Давлат бюджети маблағлари	Солиқ қўмитаси, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги

